

● Хоразмда урганчлик тадбиркор Махмуджон Ёкубов томёпқич маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона ташкил этди. Хориждан келтирилган замонавий технология ёрдамида бу ерда ойига 20 миллион сўмлик қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Эътиборли жиҳати, Махмуджон Ёкубов сингари тадбиркорларнинг саяё-ҳаракати туфайли Урганч шаҳрида шу йилнинг ўтган беш ойи давомида икки мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

● Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетини тугатган навбатдаги битирувчиларга лейтенант унвони берилди ва дипломлар топширилди. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик майдонида ташкил этилган тантанали тадбирда факультет ўқитувчилари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ва битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Навойи вилояти иқтисодиётига жорий йилнинг ўтган беш ойида 6,7 миллиард сўмлик хорижий инвестиция жалб этилди. Бунинг 4,2 миллиард сўми чет эллик ҳамкорлар томонидан тўғридан-тўғри киритилган бўлиб, бу сармоя «Наввойи» эркин индустриал-иқтисодий зонадаги лойиҳаларни амалга оширишга сарфланмоқда. Эндиликда вилоятда хориж сармояси билан ишлаётган корхоналар сони 50 тага етди. Шунингдек, бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 51,9 фоизи экспортга чиқарилаётди.

● Сирдарё вилояти Сайхунбод туманидаги «Олғабос» корхонаси раҳбари Римма Абзалова қадоқланган туз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун тадбиркор банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан замонавий технологик линия олиб келиб ўрнатди. Ҳозир ўнга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада йилга 6300 тоннагача йодланган туз тайёрлаш имконияти юзага келади.

● Андижондаги Алитепа ёдгорлигида кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, сайёҳлар учун хушманзара масканга айлантирилди. Ушбу ёдгорлик эрамиздан аввалги II асрлардаги Довон давлатининг пойтахти Эрши шаҳри харобаларидан бири, деб тахмин қилинмоқда.

● Бойсун тумани хунармандлар уюмаси вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олган кредити ҳисобига касаначилик асосида 10 та иш ўрни яратди. Миллий хунармандчилигимиз аънаналарини ривожлантиришга ҳисса қўшаётган уюшма эндиликда гажири, оқ ён, терма каби Бойсун гиламларини ҳам ишлаб чиқара бошлади.

ЖАҲОНДА

● Париж шаҳри яқинидаги Ле Бурже аэропортида аънаввий авиасалон иш бошлади. Жорий йил 49-бор ўтказилаётган мазкур тадбирда дунёнинг 2100 тадан ортиқ компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Экспертларнинг фикрича, айна пайтга келиб, жаҳоннинг етакчи компаниялари молиявий-иқтисодий инқироз талафотларини аста-секин бартараф этмоқдалар. Бу эса авиасалонда йирик битимлар имзолашга сабаб бўлиши мумкин.

● Германияда хакерлар ҳужумига қарши курашувчи марказ ташкил этилди. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазири маълум қилди. Мазкур Кибер ҳимоя миллий маркази хакерлар ҳужуми эҳтимолларини аниқлаш ва уларга қарши чоралар қўриш билан шуғулланади.

● Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида кўпоровчилик ҳаракати содир этилди. Манбага қараганда, бу ерда уч нафар қуролланган жангари шаҳар марказидаги полиция маҳкамасига бостириб кириб, у ердаги одамларни ўққа тутган. Оқибатда тўққиз киши ҳаётдан қўз юмган, ўн нафардан ортиқ одам эса тан жароҳати олган. Ҳужум нима мақсадда содир этилгани аниқ бўлмаса-да, уни «Толибон» жангарилари уюштиргани маълум қилинди.

● Петрозаводскда авиалоқат содир бўлди. Бахтсиз ҳодиса натижасида 44 нафар киши ҳалок бўлди, 8 таси оғир тан жароҳати билан шифохоналарга ётқизилди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 120 (11.931)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган сурат

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон ноилари ва ширинликлари» фестивалида бу жиҳатлар яна бир бор намоён бўлди. Миллий ва бебаҳо қадриятларимиз, маънавиятимиз, урф-одатларимизни ўзида ифода этган мазкур тадбир Республика Маданият ва спорт ишлари ва-

шаҳар ҳокимлиги, Республика «Маҳалла», «Олтин мерос» жамғармалари, Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси, «Тошкент нон» ишлаб чиқариш уюшмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Фестивалда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий ма-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Нон — ризқ-рўзимиз, бебаҳо бойлигимиз ҳамда ифтихоримиздир. Нон — тўкинлик, фаровонлик, қут-баракат рамзи. Уни қадрлаш, эъзозлаш инсоний бурчимиздир. Нонсиз ҳаётни, фаровон турмушни кўз олдимизга келтириб бўлмайди.

ФАРОВОНЛИК ВА ТЎКИНЛИК РАМЗИ

зирлиги, даният марказлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б.Аҳмедов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, «Интурист-Тошкент» давлат унитар корхонаси директори Ж.Мирзараҳмедова ва бошқалар сўзга чиқиб, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар, эришилаётган ютуқлар ҳақида таъкидлашди.

(Давоми 2-бетда)

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент Олий умумқўшун қўмондонлик билим юртининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва офицерлик унвонлари топширилди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Б.Тошматов, билим юрти бошлиғи, полковник М.Бойбусов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.

Мазкур ҳарбий билим юртида бўлгуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замон талаблари асосида йўлга қўйилгани замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, Ватанига садоқатли офицер кадрлар тайёрлаш имконини бермоқда.

Тошкент Олий умумқўшун қўмондонлик билим юртининг асосий вазифаси мурракаб тактик вазиятларда тезкор ва ностандарт қарорлар қабул қила оладиган, интеллектуал салоҳияти юқори, дунёқароши кенг, ўз Ватани, Қуролли Кучларига содиқ офицер кадрларни тайёрлашдан иборат.

— Ватанини ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир, — дейди битирувчи Мансурбек Олимжонов. — Бу вазифани касб сифатида танлаганларнинг масъулияти янада катта. Ҳарбий мактабни тугатган, Тошкент Олий умумқўшун қўмондонлик билим юртига ўқишга қабул қилиндинг. Бу ердаги ўқув ва тактика-амалий машғулотлар чинакам офицер бўлиш, зиммаларини бечина ва масъулиятни янада теран англашга ўргатди. Офицер сифатида ягона мақсадим — Ватанимга садоқат билан хизмат қилиш.

Н.АБДУРАИМОВА,
Ўза мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Парламентнинг конституциявий ваколатларига мувофиқ депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилга ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни қўриб чиқдилар. Бу масала юзасидан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза қилди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати ижросини назорат қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, шу туфайли бу масала ҳар доим халқ вакиллари-нинг диққат марказида туради. Ҳисоботлар барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳара-

кадаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг муваффақиятли ижро этилиши учун яқин асос яратди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида яқин ички маҳсулотнинг, sanoat маҳсулотини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ишлари, чакана товар айланмаси ва хизматлар курсатишининг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати 2011 йилнинг биринчи чорагида профитит билан ижро этилди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисоботларнинг атрофлича муҳокамаси бўлиб ўтди, бу муҳокамаларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳарака-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИНИ ВА ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Маърузаларда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг илгари Олий Мажлис томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги таъкидланди. Бюджет жараёнида асосий эътибор Президент Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устуворликларини амалга оширишга қаратилди. Қўрилган чора-тадбирлар туфайли яқин ички маҳсулот, sanoat, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми, чакана товар айланмаси, пуллик тўловлар ҳажми ўсди. Мамлакат молия тизимининг ликвидлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида ҳисобот даврида тижорат банклари-нинг жами капиталли ва депозитлари ҳажми ошди. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми ҳам ўсди. Қурилиш ишлаб чиқаришига, асбоб-ускуналар ва илгор технологиялар олишга инвестициялар киритилди.

2010 йилда 950 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиб, улардан 604 мингдан зиёди ёки улар умумий миқдорининг 65 фоизи кичик бизнес соҳасига, 210 мингдан зиёд ўрин эса касаначиликка тааллуқлидир.

2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар жорий йил биринчи

тидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар 2010 йилдаги иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари 2009-2012 йилларга мўлжаллаб ўз вақтида қабул қилинган, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлашга, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннарҳини пасайтириш, кооперациявий алоқаларни кенгайтириш, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотига бўлган ички талабни рағбатлантириш ҳисобига таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни назарда тутувчи дастур амалга оширилганлиги туфайли эришилганлигини таъкидлашди.

Шу билан бирга ЎзЛиДепдан сайланган депутатлар санаотни ривожлантириш борасидаги ютуқлар билан бир

қаторда эътибор қаратилиши зарур бўлган айрим муаммолар ҳам маъжудлигини айтиб ўтдилар. Хусусан, илмий изланишларни кўп талаб қиладиган ишлаб чиқариш секторининг билан ривожланмоқда, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларини жойларда амалга оширишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилмоқда, бу ўз навбатида маҳаллий бюджетларни тўлдириш учун асос яратган бўлур эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари 2010 йилда ижтимоий соҳага ва аҳоли фаровонлигини оширишга Давлат бюджетининг умумий ҳаражатларининг 60 фоизга яқини ажратилганлигини алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Бюджет соҳаси ҳодимларининг иш хақи, пенсиялар ва стипендиялари сезиларли даражада ошди. Фракция аъзолари партияларининг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, жисмоний имкониятлари чекланган одамларни аниқ йўналтирилган ҳолда ижтимоий муҳофаза қилиш зарурлигига эътибор қаратдилар. Шу муносабат билан депутатлар ногиронларни ишга жойлаштириш, ижтимоий реабилитация инфратузилмасини яратиш, имконияти чекланган одамларнинг меҳнат қўникмаларига эга бўлишини таъминлаш, улар учун иш ўринлари захирасини яратиш, уларга муайян имтиёзлар ва преференциялар бериш масалаларини қўриб қиқишни таклиф этдилар.

ЎзХДП фракцияси аъзолари бюджет тизимининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг самарали шакллантирилиши ва ижро этилишига, таълим, маданият, соғлиқни сақлашни, ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларини оптимал даражада молиялаштиришнинг аниқ ҳуқуқий кафолатларини жорий этишга қаратилган бир қатор таклифлар киритдилар.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари бюджет маблағларини мақсадли ва самарали сарфлашда молиявий ресурсларнинг асосий олувчилари сифатида вазирликлар, идоралар ва уларнинг бўлинмалари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан содир этилаётган молиявий қоидабузарликларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратдилар. Бу масалалар депутатлар назорат-таҳлил фаолиятининг диққат марказида бўлиши керак.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Олмазор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан 233-мактаб қошидаги «Солнышко» ҳамда 298-мактаб қошидаги «Орзу» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тарбияланувчилари Тошкент ҳайвонот боғида мириқиб дам олдилар.

✓ **БУГУН** Халқаро маданият карвон саройида япониялик ёзувчи Хироаки Фурушонинг «Япониянинг бошланиши» номи китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда муаллифнинг ўзи ҳам иштирок этди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги «Кўркамо-бод» маҳалласида «Намунавий маҳалла» лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган дастур асосида ўтказилган ҳашар «Маҳалла кўрки» шиори остида уюштирилди.



МУСТАҚИЛЛИК — ОЛИЙ САОДАТ

Пойтахтда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилот томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган «Мустақиллик — олий саодат» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ёш авлоднинг маънави ва жисмонан етук, ҳеч қимдан кам бўлмаган инсон қилиб тарбиялаш бирламчи вазифамиздир. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз ташаббуси билан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш умуммиллий масаласига айланган.

Ёшлар иштирокчида ташкил этилган анжуманда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ватанпарварлик, муқаддас бурч ва вазифалар каби мавзуларда маъруза қилган мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

— Бугун биз ўзларининг ҳассос ижрочилик маҳорати, санъат асарлари, ноёб илмий кашфиётлари билан барча кайратга солаётган, ғойалик шохсупасида юрт байроғини боши узра баланд кўтариб, ома дийёр доғруғини етти иқлимга таратаётган фарзандларимиз билан қанча фахрланасан арзийди, — деди Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти раиси Раъно Рустамбекова. — Шу сабабли уларнинг истеъдодини, салоҳиятини, Ватанига бўлган чекизи меҳр-муҳаббатини ҳамда оқилона хатти-ҳаракатларини муносиб баҳолаб, рағбатлантириб туришимиз шарт.

Анжуманда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти томонидан эълон қилинган «Экология ва саломатлик ойлари»да фаол иштирок этган ҳамда мустақиллик билан тенгдош бўлган талаба-ёшларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Ёшлар эса келгусида ташкилотнинг яқин кўмакчилари бўлишга ва ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб, юрт равнақи, миллат келажоғи учун муносиб хизмат қилишга ваъда беришди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Мана саккиз йилдирки, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан вояга етмаган ёшларнинг ёзги таътил дамларини мазмунли ва мароқли ташкил этиш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси амалга ошириб келинмоқда. Нилуфар Раззоқова ҳам тенгдошлари қаторида «Алоқачи» оромгоҳида ўтган йилда мароқли ҳордик чиқариб қайтгани ҳақидаги фикрларини биз билан ўртоқлашди.

— Мен, «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳасида мунтазам қатнашиб келаман. Ўтган йилда оромгоҳда шахмат-шашка йўналиши бўйича ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, диплом ва қимматбахо совғаларга эга бўлдим. Энг асосийси, кўплаб дўстлар орттирдим. Турли соҳалар бўйича мутахассислар ўтказган ўқув-машғулотларда қатнашиб, билим даражамни, дунёқарашимни янада кенгайтирдим. Бу янада кучли ва кўпроқ ўқишимга асос бўлди. Бу йил ҳам дам олиш масканига бориш ниятим бор. Бизга бундай имконият яратиб бераётган камолотчиларга миннатдорчилик билдираман.

Дарҳақиқат, юздан ортиқ лойиҳалар ва рағбатлантирувчи, қўллаб-қувватловчи имтиёзларни ёшларга ҳавола этаётган «Камолот» ЁИХ қисқа муддат ичида улкан ишларни бажаришга улғуриб, юз минглаб ёшларнинг сеvimли ташкилотига айланди. Жорий йилда ҳам аънаъанга кўра Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан Мустақилликнинг йўлчи маънавий бағишлаб, «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ишлаб чиқилган «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳасининг навбатдаги тақдироти бўлиб ўтди.

Шубҳасиз, глобаллашув жараёнининг моҳияти бутун дунёда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, химоя қилиш, демократик жараёнларнинг барқарорлигини сақлаш, умуман олганда, инсон манфаатларини олий қадрият даражасига кўтаришда намоён бўлмоқда. Юксак аҳамиятга эга бўлган бу вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли бекиёсдир.

Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва жамият ҳаётидаги воқеалардан хабардор бўлишини таъминлаш билан бирга демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчиликнинг ижтимоий онгини, фуқароларнинг умумий ҳуқуқий маданиятини кўтаришда муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда ОАВ ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлиб бормоқда. Ҳозир ҳаётимизни маълумотларисиз умуман тасаввур қила олмаймиз. Асимиз чинакам маънода ахборотлар асрига айланмоқда. «Информацион жамият», яъни замон билан ҳамнафас бўлиш учун биз ҳар кун янгидан-янги маълумотларга зарурат сезамиз. Глобаллашув даврида ОАВ шундай муҳит яратмоқдаки, унинг асосий қадриятини янги маълумотлар ва коммуникацион технологиялар тараққиёти ташкил қилади.

Дарҳақиқат, медиа-тизим аҳоли ҳаёти, унинг қизиқишларини ўзида намоён этиши керак. Бу борада нафақат омма учун муҳим бўлган сиёсий жараёнларни, маданий соҳаларни ёритиб бориши, балки бу соҳаларга оид турли мавзуларни ва муаммоларни аҳоли кўз ўнгига ошкора мушоҳада этиши лозим. Шу тариқа фуқароларимиз ўз қарашларини, юртимизда бўлаётган ўзгаришларга муносабати ва фикрини эркин билдира олади.

Маълумки, бу йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб юритилмоқда. Шубҳасиз, ушбу соҳа вақиларига жорий йилда ўз фаолиятини янада ривожлантириши учун давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан бир қатор имтиёзлар берилмоқда. Шу билан бирга, табиийки, тадбиркорларда, ўз бизнесини эндигина бошлаган фуқароларда ўзига хос қийинчиликлар ҳам учраб туради. Бу борада матбуот тадбиркорлар фаолиятини эркин, қонунга асосан амалга ошириши учун йўналиш берувчи, муаммолар ечимини топишда йўл кўрсатувчи тизим вазифасини бажариши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Дарҳақиқат, ОАВ жамиятда қишлоқларнинг ижтимоий онги, сиёсий маданияти юксалишида алоҳида ўрин тутаяди. Матбуот бугунги жадал ривожланиб бораётган жамиятда шахсининг фуқаролик, мақсадларига, келажакка қаратаётган касбияти, йўналишига асосий таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир.

ОАВ жамиятда фуқаролар ва давлат ташкилотлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг изчиллигини таъминловчи, улар ўртасида алоқаларда чинакам устун вазифасини бажарувчи ўзига хос тизимдир. Бу эса ОАВнинг чинакам мустақил тўртинчи ҳокимият вазифасини бажаришида намоён бўлади. Тўртинчи

Барчамизга маълумки, XXI аср ахборот ва ахборот технологиялари асри бўлиб қолмоқда. Бугунги жадал суръатлар билан ривожланаётган жараён, яъни глобаллашув бўлсин, ҳамкорлик қилишни, бир-бирининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда тараққий этишни тақозо этмоқда.

ҳокимият уч ҳокимият (суд, қонун чиқарувчи, ижро этувчи) билан ўзаро ижтимоий адолатга асосланган изчил муносабатга киришиб, давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслар устидан фуқаролар, яъни жамоатчилик назоратини ўрнатин.

Ахборот воситаларининг сиёсий жиҳатдан маъсуллигига тўхталадиган бўлсақ, мустақил ОАВнинг пайдо бўлиши замонавий жамиятнинг ахборотга бўлган талабини таъминлаб берувчи ва фуқаролик жамиятига ўтиш йўлида ҳар бир давлатда демократик жараёнлар барқарор кечишида асосий феноменал дас-

намоиш қилишига кенг имконият яратиб беради.

Реклама соҳасини ривожлантириш билан бирга матбуотнинг ҳомийлари масаласини кўриб чиқиш зарурдир. Қачонки ОАВ ўз ҳомийлари томонидан қучли молиявий таъминотга эга бўлса, шунда улар қудратли кучга айланади.

Яна бир муҳим масала — бу ОАВ учун дунёқараш кенг, юксак салоҳиятга эга ёш кадрлар авлодини шакллантириш зарурлигидир. Бугунги замон кадрларининг фаолияти ОАВнинг келажакда жамиятимиздаги ўрни қай даражада бўлишини белгилаб беради. Замонавий ва профессионал журналистиканинг вужудга келиши жамиятда ОАВ учун янгидан-янги имкониятлар эшигини очди. Бунга алоҳида таъкидлаётганимизнинг боиси шунки, қайси жамиятда ОАВ ҳодимлари тарғибот-ташвиқот ишларини мукамал эгаллаган бўлса, энг муҳими — ташаббускор бўлса, шу жамиятда ОАВнинг роли юксак даражада бўлади.

ОАВ ролининг ошиши юртимизда фуқаролик жамияти қуришдек олий мақсадларимизга етказувчи асосий фундаментал воситалардан биридир. Хулоса ўрнида шунга таъкидламоқчиманки, Президентимиз томонидан таъкид этилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси бугунги глобаллашув даврида фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, бир қатор тизимларни янада либераллаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Концепцияда ОАВ жамиятда демократияни таъминловчи институтлардан бири дея таъкидлангани ушбу фикрнинг яққол исботидир. Зеро, мустақил ва эркин медиа тизими ҳукумат билан ўзаро уйғунликда ҳаракат қилган ҳолда давлатда плюрализм ва сиёсий ошқорликни таъминловчи асосий восита ҳисобланади. Бу барқарор тизим фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ошишида, уларнинг жамиятда фаол иштирокини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. Шу ўринда давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ОАВни инсонлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва нуқтани назарини эркин ифода этадиган институтга айлантиришимиз зарурдир.

Шаҳидиш Бозоров, Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар факультети талабаси

Концепцияни ўрганамиз МАТБУОТ ВА ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ УЙҒУНЛИГИ

так бўлишини унутмаслигимиз лозим. ОАВнинг жамиятда мустақам асосга эга бўлиши давлат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдида янада маъсулият ва жавобгарлик ҳисси кучайишига, шу билан бирга фуқароларнинг ҳам жамият ва давлат олдида маъсул ва жавобгар бўлишига замин яратаяди.

Жамиятдаги ўзаро интеграцияни таъминлашда газета ва журналларнинг ўрни алоҳида. Миллий матбуотимиз халқимиз мақсадлари ва интилишларини ўзида намоён этувчи ойна вазифасини ўтамоқда. Оммани керакли ахборот билан таъминлаб, фуқароларимизнинг сиёсий маданияти ўсишига, уларнинг жамиятдаги иштироки фаоллашувиغا хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ОАВнинг халқ ҳаётига янада чуқур кириб бориб, ажралмас бўлагига айланиши учун медиа-тизим олдида баъзи муҳим масалалар борки, уларнинг ечимини топмасдан туриб, давлатимизда мустақам ва барқарор асосга эга бўлган мустақил матбуот тизимини яратиб бўлмайди. Биринчидан, ОАВнинг мустақам иқтисодий негизини яратиш зарур. Бу газета, журнал, радио ва телевиденининг мустақил фаолият юритиб, бошқа ҳокимият органларига қарам бўлмаслигига олиб келади. Уйлаймизки, бунинг учун юртимиз ОАВ реклама тизимини янада ривожлантириши зарур. Чунки реклама тизимини ривожлантириш бугун юртимизда фақат ОАВнинг молиявий таъминотини кучайтирибгина қолмайди, балки тадбиркорлар фаолияти кенгайтиришда, уларнинг ўз ишлаб чиқарган маҳсулотларини халқ олдида эркин



Халқимизнинг қўлига: «Камолот» мароқли ҳордик чиқариб қайтгани ҳақидаги фикрларини биз билан ўртоқлашди.

— Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимиздаги ўқувчиларнинг 18 фоизга яқини оромгоҳларда ҳордик чиқариш имкониятига эга. Ҳозирда қанчалар болжонларимиз ёзги таътилни қандай ўтказадилар деган сав-

дали ўтказишни режалаштирганми. Бунинг учун эса бевосита юртимизда фаолият юритаётган кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганми. Ички ишлар идораларида рўйхатда турувчи ёшлар учун «Ҳарбий спорт оромгоҳи» ташкил

этилган. Бунда жисмоний ва ақлий меҳнати рағбатлантирувчи омишларга кўпроқ эътибор қаратилиб, спортчилар, маҳаллалар оқсоқоллари, шoirлар, санъаткорлар билан давра суҳбатлари ташкилланган. Маҳаллаларда истикомат қилувчи ёшлар учун «Кўча спорт йўналиши» ўтказилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, Тошкент Тиббиёт академияси билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, табиий маданиятини ошириш мақсадида «Биринчи тез тиббий ёрдам» каби кўплаб йўналишларда иш олиб борилади.

Лойиҳалар ИНТЕРАКТИВ ДАСТУРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

вол туғилиши табиий. Бугунги анжумани ўтказишдан мақсад ҳам пойтахтдаги умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган ва шаҳар ташқарисида жойлашган оромгоҳларда ўғил-қизларнинг яхши ҳордик чиқаришлари учун янада кенг имкониятлар яратишни ташкил этиш ва келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақида мулоҳаза юритишдан иборат, — дейди ташкилотнинг шаҳар бўлими Кенгаши раиси Маҳмуд Асомов. — Лойиҳа доирасида нафақат оромгоҳлардаги, балки ёзги таътил вақтларида пойтахтда истикомат қилувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли, фой-

ФАРОВОНЛИК ВА ТЎКИНЛИК РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фестиваль доирасидаги кўрғазма-ярмаркада Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари, «Тошкент-нон» ишлаб чиқариш уюшмаси, мамлакатимиздаги рус, украин, польша, уйғур, тожик, озарбойжон, қрим-татар маданият марказлари, пойтахт бозорларининг ширмой нонлари ва ширинликлари намоиш этилди. Айтиш жоизки, ўзбек миллий пазандчилиги, хусусан новвойлик ва қандолатчилик аънавларини тарғиб этиш, иқтидорли новвой ва ошпазларни кашф қилиш, уларнинг шарафли ва фидокорона меҳнатларини тақдирлаш, халқимизнинг нонга бўлган ҳурматини янада ошириб, номоддий маданий мерос сифатида дунёга кенг таништириш ушбу фестивалнинг аҳамияти бекиёсдир. Кўрғазма-ярмаркада бебаҳо нымат саналган Тошкент, Самарқанд, Хоразм нонлари, ширмой, жиззали, пиёзли нонлар, қўнча патирлар тақдим этилди. Шу билан бирга лочира, қатлама, филминди, юпка, варақ, қовурма чучвара, сомса ҳамда пашмак, қуч тили, ўрама, чак-чак, бўғирсок, новот, обакидандон, тўй ҳовалари кенг жамоатчиликка намоиш қилинди.

— Ушбу фестивални ўтказишдан мақсад, ўзбек миллий пазандчилиги, новвойчилик, қандолатчилик аънавларини давом эттириш, бу борадаги ютуқларимизни кенг оммага намоён этиш ҳамда дунёга таништиришдан иборат, — деди Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси Акбар Умаров. — Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур фестивал юртимизда илк бора ўтказилмоқда. Бу ерда нафақат ўзбек, балки турли миллатлар вакиллари пазандчилик санъатини намоён этмоқда.

Тадбир доирасида ўзбек новвойчилик ва қандолат маҳсулотларининг кўрғазма-ярмаркаси, миллий таомлар ва нон маҳсулотларини тайёрлаш технологиясига оид маҳорат сабоқлари ўтказилди. Нонлар ва ширинликлар байрамида энг моҳир новвой, қандолатчи ва ошпазларга ташкилотчилар томонидан дипломлар топширилди. Санъат усталари ва эл севган хонандалар, миллий маданият марказларининг бадиий жамоалари иштирокидаги концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият бахш этди.

Дилором ИКРОМОВА

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСINI ВА ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улар ёшларни ишга жойлаштиришга ажратилган ёшлардан самарали фойдаланиш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулот билан тўлдирилиши, ахборот технологиялари ва оммавий ахборот саноатини ривожлантириши молиялаштиришнинг доимийлигини амалга ошириш муҳимлигини, бу «Миллийлик» демократик партиясининг электорати бўлган зейбларни қўллаб-қувватлашнинг асосий шартларидан бири эканлигини ҳам таъкидладилар. Шу муносабат билан улар асосан ҳаллий бюджетлардан молиялаштирилган ташкилотларга муассасаларнинг ажратилган маблағларини сарфлашга уйдан депутатлик назоратини кучайтиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини бюджетларга муносабатларнинг таъминлаштириш орқали мустаҳкамлашга давват этдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракция аъзоларининг фикрича, қишлоқ ҳўжалигини инновационга асосланган модернизация қилиш, қишлоқ инфратузиласини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш бюджет ресурслари сарф-ҳаражатларининг умумий йўналиши бўлиши керак. Бунда фракция аъзолари қай тикланадиган энергия манбаларига келгусида маблағлар қаратилиши зарурлигига эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари 2010 йил атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир давлат бюджет тарғиботлари 48,9 миллиард сўмни ташкил этганини, қанд биохимия-хиллик ва ландшафтни муҳофаза қилишга 31 миллиард сўм, чиқиндиларни йиғиш ва йўқотиш ишлари 4,2 миллиард сўм, оқова сувларини тозалаш ва йўқотиш 5,2 миллиард сўм, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан ёллик бошқа ҳаражатларга 8,2 миллиард сўм ажратилганини таъкидладилар. Яна таъкидландики, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаражатларининг асосий қисми халқ юритувчи субъектлар улушига тўри келади. Хусусан, 2010 йилда бу мақсадлар учун 200 миллиард сўм ажратилган.

Минтақалардаги экологик вазиятга турар жой массасини ободонлаштириш, маҳаллий аҳамиятга молик автойорни сақлаш, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларнинг инатузилмас муайян даражада таъсир кўрсатади. Шу сабаб ҳаражатдан сайланган депутатлар ушбу мақсадларга ажилган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш зарурлигига эътибор қаратдилар.

Депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши усти назоратини кучайтиришни таъкид этдилар. Ҳукумат бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир этувчи омилларга, хусусан солиқлар ва бошқа мажбурий бўйича боқимандлик, дебиторлик ва кредиторликларнинг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш таъкид қилди.

Давлат бюджетининг ижросига доир ҳисоботлар паренариюларда кўп қанчалар саволлар туғдириш ҳамда тегишли ирликлар ва идораларнинг вакилларидан жавоблар олинганга қараб сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологикарикатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари мазкур саволга бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Қизил ва атрофликча мунозаралардан кейин Олий Млс Кошуничилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилга ва 2011 йилнинг биринчи чорадаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш ҳамда теши қарорлар қабул қилди.

Шундан сўнг депутатлар Олий Мажлис палаталарининг 010 йил ноябридаги қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган амлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» лат дастурини амалда рўйбга чиқаришга қаратилган қатонги қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

«Тугатишга доир иш юритишнинг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатларини тезлаштиришга йўналтирилган «Бюотлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси зор иқтисодий, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қонилик базасини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Таъкид этилаётган тузатишлар банкорт корхонари тугатиш билан боғлиқ тегишли тартиб-таомилларни амалгашириш мuddатларини сезиларли даражада мақбуллаштиришнинг мол-мулкнинг талаб қилинган иш юритишнинг ташкилоти учун янги самарали мулкдорларга реализация қилишни тештириш имкониятини беради. Аҳолини ижтимоий химоя қилиш таъминлаш зарурияти туфайли қонун лойиҳасида қарзсинг фаолиятини тўхтатмасдан тугатишга доир иш юритишчилик-зишни назарда тутувчи норма мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра Кичик бизнес вусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган жорий йилда «Ли-ятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси доирга қаратишга қаратилган бир қатор норматив қоидалар ҳўқуқчи соҳала амёти ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлаас-турини рўйбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган янгибир муҳим ҳужжат «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун-ҳужжатларини ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»гинун лойиҳасидир. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қиқаришти ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизини тақомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар ридидаги Фармонига мувофиқ тайёрланган бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, назорат қиисчи органларнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик феиятига аралашувини қиқариштиришда катта аҳамиятга эгадир.

«Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ноқоний аралашганлик учун маъсулият оширилиши муносабати пан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Маъвий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам «Кичик бизн ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалда рбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган. Унда қонун ҳужжатига мувофиқ ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар тоидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшишни ташкил этганлик ва амалга оширганлик, уларнинг феиятини, банклардаги ҳисобваракларидан операцияларини та-тиб қўйганлик, шунингдек, улардан банклардаги ҳисобварарида пул маблағларни мажбурий тўғрисидаги ахборотни қўн-га эид равишда талаб қилганлик учун жавобгарлиқни, кўн-га жиний жавобгарлиқни жорий этиш назарда тутилган.


Олий Мажлис Кошуничилик палатасининг бир гуруҳ дегатлари қонунчилик ташаббуси тартибиде «Давлат статистика тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ишлан-киб, муҳомама киритдилар. Қонун лойиҳасини амалдаги Қўн-нинг айрим нормаларини давлат статистика органларинг ваколатларини янада аниқ белгилаш, давлат статистикаизь-лумотларига ўзгаришлар киритиш чоғида статистика орн-лари, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқларини чеда-лаш мақсадида амалга оширишга қаратилган.

Юридика кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари атрофликча-ҳоқамалар, фракциялараро қизгин мунозаралардан кейий-ринчи ўқишда қабул қилинди, уларга доир ишлар тегили қўмиталарда давом эттирилди.

Қонунчилик палатасининг мажлисида унинг ваколатига-аллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кошуничилик палатаси Матбуот хизмати

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Шиддат билан кечаётган ҳаёт ҳар куни олдимизга янги талабларни қўймоқда, уларнинг ечими учун янги аҳоли ёндошувлар даркор. Аҳоли бандлигини таъминлаш давлатимиз томонидан устувор вазифалар сирасига киритилган. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тасарруфидаги Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш ўқув марказида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда.



Бандлик

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ

— Янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли даромади ва турмуш даражасини юксалтириб бориш юзасидан шаҳримизда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди ўқув маркази директори Абдуҳамид Мустағизов. — Ўтган йили янги корхоналарни ишга тушириш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 85 мингта янги иш ўрни яратилди. Тегишли корхона ва ташиқлотлар ҳамкорлигида ташкил этилган 58 та бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 27 мингта фуқаро ишга жойлашди. 50 минг нафардан зиёд кишига меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли малакали маслаҳатлар берилди. Жорий йилда қайд этилган йўналишда ишлаб чиқилган режа асосида шаҳримизда 80 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Унинг асосий қисми кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорлик ва уй меҳнатининг бар-

ча шакллари ривожлантириш ҳисобидан яратилиши белгиланган. Бош бошқарма, туман бандликка қўмаклашиш марказлари йил бошидан янги иш ўринлари очиб, корхона ва ташиқлотлардаги мавжуд бўш иш ўринларини аниқлаш ва уларга банд бўлмаган аҳолини жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ўқув марказимизда ўтган 2010 йилда барча туман бандликка қўмаклашиш марказлари томонидан ўқишга йўланма билан тавсия берилган 5,1 минг нафардан ортиқ фуқаро 31 та йўналиш бўйича касб-хунар сирларини эгаллади. Эътиборлиси, уларнинг деярли

барчаси иш билан таъминланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида марказимизда 5,2 минг нафардан зиёд йигит-қизга меҳнат бозорида эҳтиётлаб касб-хунарлар ўргатиш мўлжалланган. Айни кунларда ўқув марказимизда меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда 400 нафар йигит-қиз турли касбларга ўқитилмоқда. Улар бугунги кунда талаб катта бўлган дизайнчи, компьютер ва офис жиҳозлари таъмирловчиси, телефон устаси, операторлик, дастурчилик кабилардан иборат. Жумладан, яқинда марказимизда тадбиркорлик асослари йўналиши ойлик курси давр талабидан ке-

либ чиққан ҳолда очилди. Бундан кўзланган мақсад — ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг жалб этиш, ўз бизнесини бошлаш ниятидаги йигит-қизларга бозор иқтисодиёти, бизнес-режа тузишни ўргатиш, бу борада давлатимиз томонидан яратилган қонуний имтиёزلардан фойдаланишга қўмаклашишдан иборат. Ўқув марказида ҳозирда қирқ нафарга яқин малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш устаси меҳнат қилмоқда. Талаб даражасида таълим беришда зарур ўқув қўлланма, дарслик ва адабиётлар билан таъминланган. Ўқув хоналари замонавий компьютер техникаси, кўргазмали куруллар ва мебеллар билан жиҳозланган. Келгусида мавжуд имкониятларни ишга солган ҳолда бўш иш ўринларини янада кўпайтириш, марказимизнинг замон талаблари даражасида жиҳозланишни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириб борамиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бу йил республикамиз алоқа ходимлари сафи ёш мутахассислар ҳисобига янада кенгайди. Зеро, Тошкент Ахборот технологиялари университети ва унинг жойлардаги филиаллари ҳамда мамлакатимизда мавжуд 79 та касб-хунар коллежи битирувчилари мустақил ҳаётга йўланма оладилар.

ЯНГИ КУЧ, ҒАЙРАТ БИЛАН

«Бу жараённинг режали асосида ташкил этиш Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарлари диққат марказида турибди. Тошкент алоқа касб-хунар коллежида уюштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ушбу долзарб масаланинг қатор муҳим томонлари ижобий ҳал этилди.

Ярмаркада алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган 25 та корхона ва ташиқлот, шунингдек, 10 дан ортиқ бошқа соҳа идоралари ва муассасалари вакиллари иштирок этдилар.

Ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бораётганини инобатга олишди.

«Электромангит» молашув маркази» давлат унитар корхонасида меҳнат фаолиятини бошлаш истагини билдирган ёшлар ярмарканинг ўзидан ишга қабул қилиндилар. Очiq акциядорлик-тижорат «Алоқабанк»нинг вилоят бўлиmlарига 30 нафарга яқин битирувчи ишга тақлиф қилинди.

Бундан ташқари, меҳнат бозорига бўш иш ўрни билан иштирок этган корхоналар Тошкент Ахборот технологиялари университети телекоммуникация тармоқлари ва туризмлари факультетини битираётган ёш мутахассисларга соҳа бўйича иш билан таъминлашни ўз зиммаларига олишди.

Акбар АЛИЕВ

БИТИРУВЧИЛАР ИШГА ЖОЙЛАШДИ

Шу кунларда касб-хунар коллежларини битириб, ўзи севган хунар эгасига айланган кўплаб ёшларимиз катта ҳаёт остонасига қадам қўймоқда. Бинобарин, ҳозирда энг муҳим масала — уларни билим, иқтидорлари ва эгаллаган касбларига мос равишда ишга жойлаштиришдир.



Яккасарой туман ҳокимлиги ҳамда туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бу борада хайрли ташаббусга қўл уришди — «Узэнгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси атрофида касб-хунар коллежлари битирувчилари учун меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, пойтахт Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, «Узэнгилсаноат» ДАК билан ҳамкорликда уюштирилган иқтисослаштирилган тадбирга Тошкент шаҳридаги энгил саноат соҳасидаги касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда энгил саноат йўналишидаги корхоналар маълумияти тақлиф этилди.

— Асосий мақсадимиз ёшларимизни ўзлари хоҳлаган ишларга жойлаштириб,

ҳаётда ўз ўринларини топишларига қўмаклашишдир, — дейди Яккасарой тумани бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Мавлуда Раимжонова. — Шу бонс меҳнат ярмаркасига пухта тайёргарлик кўрдик. Жумладан, биринчи марта иш қидираётган ёшлар учун эслатма тайёрлаб, иштирокчиларга тарқатдик. Ёшларнинг меҳнат қилиш ва ишга жойлашиш ҳуқуқлари ўз аксини топган эслатмага пойтахт туманларидаги бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг телефон рақамларини киритдик. Ярмаркада ҳар бир корхонанинг ўзи тайёрлаб келган стенди билан қатнашиши эса ёшлар учун муҳим йўланма вазифасини ўтади.

Дарҳақиқат, шу кун меҳнат ярмаркаси жуда қизғин ўтди. Тадбирда энгил саноат соҳасига тааллуқли 41 та корхона вакиллари, шу йўналишдаги 7 та касб-хунар коллежларининг 403 нафар битирувчилари иштирок этиб, 137 нафар ёшларга маслаҳат берилди. 75 нафар ўсимир-қизларга ишга йўланмалар берилган бўлса, 41 нафар ёшлар бевосита шу жойнинг ўзидан ишга бўлишди.

Ҳар бир иш натижаси билан ўзал, деганларидек, ўйлаймики тадбир ташкилотчилари тўлалигича ўзлари кўзлаган мақсадларига эришишди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ
СУРАТДА: меҳнат ярмаркасида лавҳа

Ҳакимжон Солихов олган сурат

Таълим

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ АСОСИДА

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи ўз нуфузига эга таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ўқувчиларга молия, бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, банк иши, халқаро бизнес каби йўналишларида мустақам билимлар берилмоқда.

Коллеж кўпгина фирмалар билан 5 йил муддатга ҳамкорлик шартномаларини тузган. Корхоналар билан яқин алоқа ўрнатилган. Ҳамкорлик шартномалари туфайли битирувчилар доимий иш жойи билан таъминланмоқда. Ишлаб чиқариш амалиёти ўқувчиларнинг касб маҳоратини ошираётди. Амалиёт натижаларига қараб, ёшлар ишга қабул қилинмоқдалар.

Бундан ташқари, амалий машғулотларни оқилона ва сифатли ўташ учун коллежнинг ўзидан 5 та факультетда иш жойлари барпо этилди. Бу иш жойлари барча зарур жиҳозлар билан тўла таъминланган. Фаолият давомида, асосан, ёшларнинг фаоллигига, маҳоратини намоён этишларига кенг эркинлик яратиб берилган.

Ўтган йили коллежни 400 га яқин ўғил-қиз битирган бўлса, шулардан 20 фоизи ҳамкорлик шартномаси эвазига корхоналарга ишга жойлаштирилди. Яна 20 фоизи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириб, қолган қисми ўз касб-хунарлари бўйича ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаолият кўрсатмоқда.

Озод ОБИДОВ

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Пойтахтимизда жорий йилнинг октябрь ойида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан биринчи Тошкент замонавий кино халқаро фестивали ўтказилади.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ушбу йирик санъат байрамига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига атрофлича маълумот берилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида миллий кино санъатини изчил равнақ топтириш, унинг ўзига хос анъана ва мактабларини бойитиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга йўналтирилган бадий асарларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биринчи Тошкент замонавий кино халқаро фестивали миллий кинематографияни янада равнақ топтириш, юртимиз ва жаҳон кино санъатидаги янгиликлар, ижодий жараёнлар билан томошабинларни яқиндан таништириш, мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Фестиваль бош директори, санъатшунос Акбар Ҳакимовнинг таъкидлашича, ушбу анжуман доирасида юртимизнинг ёш киноижодкорлари томонидан яратилган фильмларни атрофлича таҳлил этиш, бугунги жаҳон кинематография оламида кечаётган жараёнларни ўрганиш, томошабинларнинг бадий диди ва тафаккурини юксалтиришга хизмат қиладиган турли жанрлардаги фильмлар сараланади.

Мазкур фестивалга тайёргарлик жараёнида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Муқаддима» кўрик-танловга ўтказилди. Унда ёш киночилар, Ўзбекистон давлат санъат институти битирувчилари ва талабалари томонидан 2009-2011 йиллар мобайнида яратилган ўттиздан ортиқ қисқа метражли фильмлар ўрганиб чиқилди. Танлов ғолиблигининг асарлари биринчи Тошкент замонавий кино халқаро фестивалига ҳавола этилади.

Анжуманда «Муқаддима» қисқа метражли фильмлар кўрик-танловига ғолиб бўлган ёш киноижодкорларга дипломлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

Театр саҳнасида

ОРЗУЛАР САРОБИ

Театр ва саҳна. Бу иккиси бири-бирига уйғун, бири-бирини тўлдирадиган тушунча. Бу ерда тақдирлар акс этади, ойнадаги аксдек киши ўз ҳаётини кўради, таҳлил этади, ҳулоса қилади.

Ўзбек давлат драма театрида саҳналаштирилган «Кўка учган орзулар» спектаклининг намоиши ҳам кишиларнинг умр йўлида биллиб-билмай босган қадами, унга бу йўлда ҳамроҳ бўладиган ишонч ва алдов, садоқат ва хиёнат, оқибат каби хислатлар ва бундай вазиятларда киши ботинида юз берадиган эврилишларга бағишланади.


Америкалик ёзувчи Жон Стейнберкнинг «Одамлар ва сичқонлар» романи асосида саҳналаштирилган мазкур спектаклда бирламчи ғоя инсонлар ўртасидаги энг олий туйғу садоқат, ўзаро дўстликни тараннум этади. Икки дўстнинг тирикчилик ғамида ўзга ўлкага бориши оқибатида дуч келган қийинчиликлари, мусофирчиликнинг азобу уқубатларини тенг баҳам кўрган кишилар ҳаёти тўла-тўқис ва рўй-рост ёритилади. Етишмовчиликлар сабаб адашиб нопок кўчаларда қўли қонга бўялган дўсти устидан ўзи адолатли ҳукм чиқаради. Ўз дўстининг жонига қасд қилиш орқали дунёнинг чексиз дардларидан уни халос этади гўё.

— Асар инсонларни огоҳликка даъват этиши билан аҳамиятлидир, — дейди театр бош режиссёри Сайфиддин Мелиев. — Бу билан қай замон ва қай макон бўлмасин ўзга юртларда риск-насиба топиш ҳеч қачон осон бўлмаганлиги, эзгулик ортида мудом ёвузлик судралиб юриши, киши қонига синган макр, хунрезлик каби иллатлар эканлигини яна бир қарра асар қаҳрамонлари ижросида намоён этилади. Шу билан бирга, ҳар қандай ҳолатда ҳам орзу, умиддан воз кечмаслик инсонга хос эканлиги образлар тилидан айтилади.

Қалбан ёлғиз бўлган Кичкина, Бўталок, Чўлок, Новча, Мерган, Қорача сингари образлар асар моҳиятини очиб беришига хизмат қилиш билан бирга, ҳар бирининг ўз тақдири, ўз дарди борлиги ёрқин лавҳаларда акс этади.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

Сўранг, жавоб берамиз



Меҳнат кодексининг 256-моддасига асосан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида қуйидаги тартибда:
— олий ва ўрта махсус ўқув юртларида битирув имтиҳонларини топшириш даврида камида ўттиз календарь кун,

— диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида олий ўқув юрти талабаларига тўрт ой, ўрта махсус ўқув юрти талабаларига эса икки ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътил берилади.
— Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг охириги босқичларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳа-

МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИЛАДИМИ?

Мен олий ўқув юртида ўқиш билан бирга ишлайман. Менга иш жойимдан меҳнат таътили бериладими?

Даврон Турғунов,
Сергеи тумани

сига материаллар тўплаш учун ўттиз календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

С.НИЁЗОВА,
юридик фанлари номзоди



Татар ва Бошқирд миллий-маданий марказлари ташаббуси билан уюштирилган тадбир том маънодаги миллатлар ва халқларни бирлаштирувчи тинчлик, дўстлик ва бирдамлик байрамига айланган кетди.

Ҳамшаҳарларимиз ва кўплаб пойтахтимиз меҳмонлари қатнашган Сабантўй байрамида профессионал ва хаваскор артистлар, турли-туман ансамбллар ижросида қувноқ куй ва кўшиқлар янгради, миллий рақслар ижро этилди. Шу куни кўпчилик татар ва бошқирд миллий таомларидан тотиб кўриб, халқ хунармандлари маҳсулотлари, ўзи ёқтирган кўшиқ ва куйлар ёзилган дискларни харид қилишга, миллий спорт ўйинларида кучини синаб кўришга ошди.

— Ушбу байрам Ўзбекистонда истиқомат қиладиган халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик ришталарининг тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради, — дейди

Мустақил юртимизда истиқомат қиладиган ҳар бир миллатнинг урф-одатлари ва анъаналари кўз қорачиғидек асраб-авайланади. Жумладан, куни кеча шахримиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат бонди Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган Сабантўй байрамига борганимизда хаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди.

Анъаналар

ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси, «Ўзбекистон-Россия» дўстлик жамияти раҳбари Алишер Шайхов. — Татаристон билан биз иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан алоқалар ўрнатганмиз. Уйлайманки, Ўзбекистон савдо

уйининг Қозонда ваколатхонаси очилганидан вақт ҳам узоқ эмас.

И.ДИЛШОДОВ
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Флора Фахрутдинова
олган сурат



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

ХАТО ВА ТАНҚИД ҲАҚИДА

Ўлчаб кесганнинг пушаймони йўқ.

Қоқилганга тош айбдор эмас.

Совуқ ҳам мевали дарахтни тез уради.

Чопқир отнинг оёқлари кўпроқ лой бўлади.

Тўрт оёқлилар ҳам қоқинади.

Хато тажрибани оширади.

Адашиш — келажакнинг мактаби.

Туз ва қалампирга — меъёр ҳамроҳ.

Танқид келаси касалликларнинг олдини олади.

Айбини тан олган — мард.

Иш хатони кечирмайди.

Ўз-ўзини танқид — обрўнинг кўриқбони.

Яхшига — тақлид, ёмонга — танқид.

Инсонни фақат ютуқлар эмас, камчилигини бўйнига олиш ҳам безайди.

Ким ўтмишни унутса, қилган хатоларини яна такрорлайди.

Огоҳлантиришни сезмаслик тўқнашувга олиб боради.

Хато — гуноҳнинг уйига етаклаб олиб қиради.

Тоза ердаги доғлар — бўртиб кўринадди.

Одамнинг ҳаётини кўпинча хатонинг ўқи яралайди.

Сезилмай қолган хато ёпилиб кетмайди, уни келажак очади.

Тан олинган хатолар чиниқтиради.

Эринишнинг пушаймони бор.

Шошқалоқнинг насбаси — дашном.

Хатолик дардининг давоси — изга қайтишдир.

Хато — қайта ишлашга мажбур қилади.

Ақлнинг кўзи билан қараган адашмайди.

МЕЪЁР ВА ТАДБИР ҲАҚИДА

Меъёр билан ишлатилган илон захари ҳам дори.

Меъёрсиз оққан сув — йўлидагиларни вайрон қилиш билан бирга, ўзи ҳам тезгина қуриб қолади.

Илдизини ерга чуқур ўрнатган ўсимлик — тезда сувсамойди.

(Давоми бор)

Ёз — 2011

СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

Ёзи таътилни узоқ қутилган кунларини ўқувчи-ёшлар мароқли ўтказиши учун барча имкониятлар яратилган. Бу борада айни кунларда болажонларнинг шодон кулгулари, қийқириқларига бой бўлаётган соғломлаштириш майдончаларининг ўрни алоҳидадир.

Сергели туманидаги 285-мактаб қошида ҳам «Куйёшча» номли шундай майдонча ташкил этилган.

— Биринчи мавсум давомида бу ерда 100 га яқин ўқувчи хордиқ чиқаради, — дейди майдонча раҳбари Матлуба Мадаминова. — Дам олиш масканимизга асосан шу яқин атрофдаги «Дўстлик» ва «Ёрқин ҳаёт» маҳаллалари ўсмирлари қатнамоқда. Улар учун турли хил спорт тўғрақлари фаолият кўрсатиб турибди. «Ким биринчи», «Кувноқ старлар» каби спорт мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Ҳар бир мавсум учун алоҳида режа тузилган. Болаларни шахримизнинг сўлим гўшаларига, сузиш ҳавзаларига, музейларга олиб борамиз.

— Мен шу мактабда таҳсил оламан. Аъло баҳолар билан бешинчи синфга ўтдим. Таътил кунларини ҳам устозларим бағрида ўтказишни хоҳладим. Кадрдон мактабимиз ҳаттоки ёзда ҳам ўзига қорлайди. Бу ерда мароқли дам олишимиз учун ҳар куни қизиқарли ўйинлар ташкил этилмоқда. «Моҳир кўллар», турли спорт тўғрақларига қатнашапман. Кўп нарса ўргандим, — дейди кувноқ таътил дамлари билан ўртоқлашиб Ширин Тўхтабоева.

Соғломлаштириш майдончасига жалб этилган устоз таътилда ҳам авлод келажакни йўлида қилинаётган ҳар қандай хайрли иш албатта ўз самарасини беришига катта ишонч билан қарашмоқда.

Дилсўз ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси.

Мактаб

Ўқувчиларининг ёзи таътил кунларини мароқли ўтказишлари имкон яратиш, уларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ қийқириқларини таъминлаш мақсадида шахримиз мактаблари қошида ёзи болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш яхши анъананага айланган.

Куни кеча Юнусобод туманидаги 86-мактаб қошида ташкил этилган «Гунча» болалар соғломлаштириш оромгоҳи келажакимиз ворисларини ўз бағрига қорлади. Ушбу маскан 120 нафар болаларга хизмат кўрсатади. Оромгоҳда болажонларнинг мириқиб дам олишлари, касб-хунар ўрганишлари, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари, билим олишлари учун барча қулайликлар яратилган.

— Оромгоҳимизда фарзандларимизнинг зерикиб қолмасликлари учун барча шароитлар етарли, дейди оромгоҳ раҳбари Ҳилола Ирискулова, — чунки 4 та тўғрақ хонаси, 2 та ўйин хонаси, компьютер хонаси, спорт заллари, кино зали болажонларимиз хизматига. Дарвоқе, фарзандларимиз шахмат-шашка, расм чизиш, бисер, тўқувчилик ҳамда «Моҳир кўллар» деб номланган тикувчилик тўғрақларига қатнашишлари мумкин.



«ГУНЧА» ОРОМГОҲИДА БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН

Бундан ташқари дам олувчилар учун шахримизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилиши ҳам режалаштирилганлигини оромгоҳ раҳбари таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва бошқа музейлар фаолияти билан яқиндан танишиш болажонларнинг маънавияти ҳамда билими юксалишига хизмат қилади. Дарвоқе, оромгоҳда дам оладиган «Астрообод», «Туркистон» маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандларига раҳбарият ташаббуси билан берилган хизмат кўрсатиш имконияти яратилганлиги келажакимиз ворисларига нисбатан гамхўрлик ва эътиборнинг далили бўла олади.

Шунингдек, оромгоҳ тарбияланувчилари Юнусобод туман ҳоким-

лиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ЁИХ туман бўлимлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этиладиган спорт мусобақаларида омадларини синаб кўрадилар. Албатта, голибларга мутасаддиларнинг совинлари, эсдалик совғалари тўғри етилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, «Гунча» болажонлар хизматига шай. Энди келажакимиз ворисларига мириқиб дам олинг, деймиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ
СУРАТДА: оромгоҳ фаолиятдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Спорт янгилликлари

ТОЖИКИСТОНДАН МЕДАЛЛАР БИЛАН

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ёшлар ўртасида уюштирилган Марказий Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган олти нафар спортчимизнинг бештаси Тошкентга медаллар билан қайтди.

Мазкур нуфузли мусобақада вакилларимиз ва мезбонлардан ташқари Афғонистон, Қирғизистон, Туркменистон ҳамда Қозғистондан келган спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди. Шуниси қувонарлики, мурасасиз ва қизиқарли кечган баҳсларда ўз вазни тоифаларида ҳамюртларимиздан Равшан Абдулазизов, Шамсиддин Йўлдошев, Бобурмирозо Фуломов шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этиб, олтин медаллар билан тақдирланган бўлишса, Азиз Султонбоевга кумуш, Жаҳонгир Жумаевга бронза медаллари насиб этди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — СОВРИНДОР

Польшада бадий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда вакилларимиз муваффақиятли иштирок этиб, совриндор бўлишди.

Тажрибали мураббийлар Татьяна Абдурахмонова, Раёно Мухамедова, Людмила Поливанова қўл остида мазкур турнирда қатнашган спортчиларимиз жамоавий машқларни бажаришда бронза медал билан тақдирланишди. Бадий гимнастикчиларимиздан Феруза Аминова, Ольга Кирякова, Яйра

Сержанова, Зарина Курбонова, Луиза Ганиевалардан иборат Ўзбекистон жамоасининг тўп билан машқ бажариш бўйича чиқишларини кузатиб борган мухлислар ва халқаро мутахассисларга юртдошларимиз маҳорати манзур бўлганини таъкидлаш жоиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Қатралар

МЕҲР КЕРАК

Токнинг иши қизиқ. Баҳорда муртакни тезроқ бағазга олмасан, чувалиб кетади. Новадларни эринмай, биттадан тарайман. Хиёль вақт ўтмай шўра, кейин ғўра хомтоки одамни минг кўйга солади.

Бесаранжом куз. Узумнинг мазаси оғзимдан ариганча йўқ. «Энди новдамни саралаб кес, совуққа олдрмай кўм», дея қисталанг қилади...

Эндиги йил ғужумлар мошдек бўлганди, «кул»га чалинди.

— Хотин, — дедим болтамни чархлаб, — ток ишини кўрпапан, оғир. Устига-устак касал тегди. Кесиб ўрнига мева эксам...

— Гуллаган пайтида озгина олтингургурт тўзимдингиз. Бўлмасам кул тушмасди. Болаларнинг озғи энди узумга текканди... — унинг ранги қув ўчди. Тезланиб турган кайфиятимдан чўчиб, ўзимни босдим.

Бир куни уйга тоғам келди.

— Баракалла-е. Токни увол қилибсан, — деди юзимга шартта.

— Мева эксам — иши камроқ...

— Тўғри, мева ҳам керак. Токда бир олам ҳикмат борлигини билсанг эди, кесмасдинг. У меҳнаткаш қўллардан эгилиб-букилиб, ўзига ҳам, соҳибига ҳам чайир бардамлик ато қилади. Меҳнати саёз гирромни суймайди.

Балки, тоғам бошқа касб эгаси бўлганда токка бунчалик куюнмасди.

Тоғам кекса бўлса ҳам ёшлардек шижоатли, юзидан нур аримайди, қўллари ток зангидек чайир. Фаровон турмуши ҳам боққа қўйган меҳридан. Одамларга очик, поклиги ҳам балки шундандир.

Ток тўнқаларидан баҳорда янги новдалар ўсиб чиқади. Меҳримни уларга пайванд қиламан.

НОН ТАЪМИ

Ариқ бўйидаги мажнунтол новдалари билан сув юзини силаб-сийпайди. Шивир-шивири кетмонга суянган дехқоннинг болагини ёдга солади.

— Нон оқизсам новдаларинг тўсиб қоларди.

— Ҳа, сўнг уни олиб ердинг. Ширин, тоза сувга бўккан нон таъми мазза-да, деганин эсимда, — дейди мажнунтол.

— Оҳ, оҳ. Уни ҳозирги болалар ҳам билсайди...

— Хў-ў, ҳозиргилар янги оқиқоқлар кашф қилишган. Бунда баъзи катталарнинг ҳиссаси бор. Разм солинг, ана қоғоз, шох-шаббалар ўйнаб-ўйнаб қалқиб келяпти. Бироз ушлаб йиғаман. Яна...ҳидидан қийналаман, — дея ҳорғин чайқалади мажнунтол.

— Менга ҳам ёқмайди, — дехқон эккан чопиғига шошади. Болалиқдаги оқиқоғини кўмсайди.

БОҒБОН ҚАЛБИ

Кўча эшиги тақиллади. Раим ичкаридан унинг бир табақасини очган эди, қаршида ранги тоза, соддагина боғбон йигит ўрик кўчатини ушлаганча кулимсираб турарди.

— Айтганингизни топиб келдим. Ўрикнинг яхши хилидан, — деди у. — Илоҳи бўлса илдизларига ёпишган намхуш тупроғи билан тезроқ экиб қўйсангиз.

Боғбон айтгандек экилган ўрик илдизлари ётсирамай тупроққа илашди. Ўсиб буй чўзди. Керасиз, тиканли шохлари буталмай йилларни ўтказди. Соҳибнинг меҳр қўлини тутмаганидан диққинафас бўлиб кетди у.

Бир куни Раим дарахтни кўрса, ҳамон ҳолсиз. Танасида қўллаб бигиздек-бигиздек тиканлар.

— Ҳосилингни қачон кўраман? Боғбон довдир эканими, ўрик ўрнига чангалзордан тикон дарахтини келтириб бердимми, дейман.

Қани энди Раим тиканларнинг ўқталишидан аслида ўрикмиш, йўл-йўрик, оқибат кўрмай жаҳл билан ёввойилашдик, демоқчилигини сезса.

Фани АБДУЛЛАЕВ

УЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Республика ҳудуди бўйича ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Момақалдироқ бўлиши мумкин. Фардан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 15-20 метрга етади. Ҳарорат кечаси — 12-17, кундузи — 22-27 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 22 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 22 июнь куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади, момақалдироқ бўлиши мумкин. Фардан секундида 5-10 метр тезликда эсаётган шамол кучайиб, секундида 12-17 метрга етади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-95-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табақ,
офсет усулида босилади.
3885 нускада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.